

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Нурафшон ш.

2022 йил “28” 01

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “27” январдаги №27-01-14/6025 -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанийнинг Тошкент филиали директори Ш.С.Бакиров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва “Бюджетдан ташкири пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаси” номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ш.С. Бакиров – (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар хакида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу оферта шартлари асосида оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши оператор офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу шартномани имзолаганидан сўнг, оператор абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, абонент, оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чишиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва абонент томонидан танланган хизмат тuri хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу шартномани имзолаган вактдан бошлаб, офертанинг 4-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу шартномани имзолаган вактдан бошлаб, офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур шартнома бўйича офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбик этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан шартнома тузилганда ва оператор хизматларидан фойдаланиш жараённида абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу шартноманинг тегишли иловасида (абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тuri учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган абонент учун шартноманинг умумий суммаси ушбу шартноманинг тегишли иловасига (абонент томонидан танланган хизмат тuri бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар хажми билан белгиланади.

Шартноманинг 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилга кадар умумий микдори 1 819 404,00 (бир миллион саккиз юз ўн тўккис минг тўрт юз тўрт) сўмни ташкил этади. Ундан 606 468,00 (олти юз олти минг тўрт юз олтиши саккиз) сўм микдорида абонент бир ойлик тўловини ўз ичига олади. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортиқча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

3.4.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичida ушбу шартномада кўрсатилган операторнинг шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш йўли билан оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хажини тўлайди.

3.6. Агар абонентнинг шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, оператор ушбу шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан амалга оширилмагига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календаръ ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишина истаса, абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни иктиёрий равишда блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва шартнома бекор килинганда абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилимайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алохидада сасмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилиди.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегиши тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдаган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегиши тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, абонентнинг шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга абонентнинг кафолат хоти асосида оператор томонидан абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар офертанинг 8-моддасига ва ушбу шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганилиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш холатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ хамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув оркали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чикилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равища Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироf этган холда, ўзаро хамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция холатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур шартноманинг амал килиш даврида томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар кандай холатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzнома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чикилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (үн беш) кундан ортик муддат талаб этилса, абонент (мурожаат муаллифи) оператор томонидан бу хакда мажбурий равища хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу шартномада ёки офертада назарда тутилмаган холларда томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал килиади.

7.2. Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килиади. Агар, шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттира ва томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган абонент учун ушбу шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килиади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу шартноманинг имзоланиши - оферта акцептини (абонентнинг оферта шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу шартнома, шу жумладан, операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) шартнома предмети юзасидан оператор ва абонент ўртасида тўлиқ шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошка ўзгаришлар рўй берган тақдирда шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (үн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдикланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ
Тошкент филиали

Манзил: Тош.вил. Нурафшон ш. Бобур кўч 4уй
Тел: 55 900 00 01

Факс: (71) 259 70 45

Х/р: 2021000404074838235

Банк: АҚ“АЛОКАБАНК” БОШ ОФИСИ

ТАШКЕНТ

МФО: 00401

ИНН: 203366731

ОКЭД: 61100

Оператор номидан:

Директор



АБОНЕНТ:
“Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент вилояти бошқармаеи”

Манзил: Муродшон ш. Тошкент ўзга кўрсан
Тел: 70 176 60 23
Факс:
Х/р: 1000 218 60 24 01 71 01 36 00 37 00
Банк: Маркази ҶШК РУККМ



Ш. Абдушев

А. Мурзаев

2022 йил “28” 01
3152632 – сонли абонент шартномасига
1-илова

Күрсатылған хизматтар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ККС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ККС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.1	Битта интеллектуал номердан фойдаланиш хукукини тақдим этиш (бир марта тўланадиган тўлов	-	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади	-	-
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Бир ойлик абонент тўлови “Бюджет таш. База ГТС” тариф режаси. Киритилган лимит 180 дакика, Ўзбекистон бўйлаб чиқувчи кўнғироклар лимитдан ташкари 12 сўм. Телефония	6 900,00	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади	71	489 900,00
2.2	Кўшимча хизматлар (Сигнализация, xDSL)	4 423,33	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади	12	53 080,00
2.3	Кўшимча хизматлар	Умумий	125-1/7-сонли нархномага мувофик амалга оширилади	Умумий	63 488,00
Жами (олдиндан тўлов)					606 468,00

Шартноманинг 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилга кадар умумий микдори 1 819 404,00 (бир миллион саккиз юз ўн тўккиз минг тўрт юз тўрт) сўмни ташкил этади. Ундан 606 468,00 (олти юз олти минг тўрт юз олтмиш саккиз) сўм микдорида абонент бир ойлик тўловини ўз ичига олади. Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортичка сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:

АБОНЕНТ:

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АҚ
Тошкент филиали

“Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тошкент вилоятине бошқармаси”

Манзил: Тош.вил. Нурафшон ш. Бобур кўч 1 уй
Тел: 55 900 00 01
Факс: (71) 259 70 45
Х/р: 20210000404074838235
Банк: АК"АЛОКАБАНК" БОШ ОФИСИ
ТАШКЕНТ
МФО: 00401
ИНН: 203366731
ОКЭД: 61100

Директ

ИМЗС
м. ѿ



Манзил: Улуроришон ш, йонишкен, аудандар
Тел: 78 762 60 23
Факс:
Х/р: 1000 218 602 440 1102300037001
Банк: Мирказиий Банк УКУМ

A circular blue ink stamp. The outer ring contains the text "TOSHKENT TASHKENT" at the top and "OZBEKISTON" at the bottom. The inner circle contains the text "REPUBLICA O'ZBEKISTONI" at the top and "PESSIVA" at the bottom. In the center, it says "ARMAS MOJLISI" above "MAMLAQATI". At the very bottom, it has "10.10.1970" and "M.Y.".

E.H. Agnew